

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

5 март 2018 й.г. № 172

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Тошкент тиббиёт академиясининг
Термиз филиалини ташкил этиш тўғрисида**

Юқори малакали тиббиёт кадрларини замонавий талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, Сурхондарё вилоятида тиббиёт кадрларига бўлган тақчилликни тўлдириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлажак тиббиёт мутахассисларини назарий тайёрлашни уларнинг амалий кўникмаларни эгаллаши билан узвий боғлиқда таъминлаш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш талабларига жавоб берадиган ўқув ва моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар филиалнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий талабларга жавоб берадиган ва тиббиёт соҳасида илғор технологияларни эгаллаган тиббиёт кадрлари тайёрлаш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш жараёнида замонавий таълим технологияларини ва илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш;

давлат ва хусусий сектор тиббиёт муассасаларида клиника базалари ташкил этиш, клиник ўқув амалиётига профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни кенг жалб этиш, касалликларга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва уларни даволашнинг илғор усулларини жорий этиш;

замонавий тиббиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Тошкент тиббиёт академиясининг таркибий бўлинмаси, юридик шахс мақомига эга бўлган олий таълим муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида зарур шахсий ҳисобварақларига эга;

Филиалда ўқиш Филиал учун мослаштирилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ташкил этилади;

2018/2019 ўқув йилида ва кейинги ўқув йилларида Филиалга ўқишга қабул қилиш сони олий таълим муассасаларига ҳар йилги қабул квоталарини шакллантиришда белгиланган тартибда аниқланади;

Филиалнинг профессор-ўқитувчилар таркибининг бўш ўринларига ўриндошлик бўйича иш вақти бир ойлик нормагача давом этган ҳолда Филиал ходимлари ва республиканинг бошқа таълим, тиббиёт ва илмий муассасалари ходимлари ўринбошлик бўйича ишга қабул қилиниши мумкин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, 2017/2018 ўқув йили учун бакалаврият дастури бўйича Филиалга пулли-контракт асосида 300 киши қабул қилинади, бакалавриятни тамомлаган талабаларнинг Сурхондарё вилоятидаги тиббиёт кадрлари танқис бўлган тиббиёт муассасаларида ўн йил ишлаб бериши мажбурий ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ҳафта муддатда:

Филиалнинг устави ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Филиалнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар ва улар филиалларининг тажрибали мутахассислари, шунингдек, олий тиббиёт таълим муассасаларининг клиник ординатура ва магистратураси битирувчиларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Филиал учун мослаштирилган ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Филиалда ўқув-методик жараёни самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг:

2017-2018 ўқув йилида Филиалга абитуриентлар қабул қилишни Сурхондарё вилоятида доимий яшайдиган (ўқишга киришда доимий пропискага эга бўлган), 2017 йилда "Даволаш иши" таълим йўналиши бўйича республиканинг олий тиббиёт таълим муассасаларига хужжатлар топширган, танловдан ўтмаган ва тўпланган балларнинг изчиллиги қатъий ҳисобга олинган ҳолда кириш тест синовлари натижалари бўйича тўпланиши мумкин бўлган энг кўп балларнинг камида 30 фоизини (68,0 балл) тўплаган шахслардан ташкил этиш;

Сурхондарё вилоятида доимий яшайдиган, ҳозирги пайтда республиканинг олий тиббиёт таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида таълим олаётган шахслар бўлган 4-5-босқичлар талабаларини хоҳишларига кўра, бакалаврият тамомлангандан кейин ушбу талабаларнинг Сурхондарё вилоятининг тиббиёт кадрларига тақчиллик мавжуд бўлган тиббиёт муассасаларида мажбурий тартибда ўн йил ишлаб бериши шарти билан давлат гранти бўйича ўқишга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси, 64-уй манзилида жойлашган Термиз тиббиёт коллежининг бинолари, иншоотларини туташ ҳудуд, асосий воситалар ва бошқа мол-мулк билан биргаликда Филиални жойлаштириш ва кейинчалик унинг фаолиятини амалга ошириш учун оператив бошқарув ҳуқуқи билан Филиалга бепул бериш;

Термиз тиббиёт коллежини Филиалнинг вақтинча бўш хоналарига, шунингдек, Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ва Термиз саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи биноларига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

7. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент тиббиёт академияси ректорига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган штатдаги ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, Филиал тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Филиалга хизмат сафарига юборилган педагоглар ва уларнинг оила аъзоларини педагоглар Филиалда ишлаган даврда турар жой билан таъминлаш, уларнинг фарзандларини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

9. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

талабаларнинг пулли-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган пул маблағлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтларининг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, 2017/2018 ўқув йилида Филиални сақлашга бюджетдан ажратиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил учун ижтимоий соҳага тасдиқланган параметрлари доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу соҳага ажратиладиган харажатлари параметрларида назарда тутилади.

10. Филиалга иккита енгил автотранспорт воситасини, шу жумладан, битта шахсий ва битта навбатчи автотранспортни сақлашга лимит ажратилсин.

11. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиалини 2018-2020 йиллар даврида ўқув-лаборатория комплекслари билан жиҳозлаш дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2019 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда таъмирлаш-тиклаш ишлари ва Филиални ўқув-лаборатория комплекслари ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг уларга белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Филиалда ахборот ва мультимедиа ускуналари қўлланилган, шу жумладан, масофадан ўқитишдан, ўқув жараёнида вебинарлар, телемаслаҳатлар ва телетиббиётдан фойдаланишни назарда тутган ҳолда замонавий таълим технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар режасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан давлат гранти бўйича таълим олишга ўтказилган талабаларнинг мажбурий тартибда ўн йил ишлаб бериши тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадманов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов ва Сурхондарё вилояти ҳокими Э.О.Турдимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 5 мартдаги
172-сон қарорига
1-илова

Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали тузилмаси



*) Филиал (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 5 мартдаги
172-сон қарорига
2-илова

**2018-2020 йиллар даврида Тошкент тиббиёт академиясининг
Термиз филиалини ўқув-лаборатория комплекслари билан жиҳозлаш
дастури**

Т/р	Ўқув-лаборатория комплексларининг номи	Молиявий харажатлар* (млн сўм)
2018 йил		
1	Физика бўйича ўқув-лаборатория комплекси	1 105,4
2	Кимё бўйича ўқув-лаборатория комплекси	1 560,7
3	Биология бўйича ўқув-лаборатория комплекси	551,0
	Жами:	3 217,1
2019 йил		
1	Микробиология бўйича ўқув-лаборатория комплекси	829,6
2	Физиология, патологик физиология ва анатомия бўйича ўқув-лаборатория мажмуаси	1 280,5
	Жами:	2 110,1
2020 йил		
1	Ўқув-лаборатория комплекси – қишлоқ врачлик пункти модели	147,5
2	Ўқув-лаборатория симуляция маркази – фантом зали	730,3
	Жами:	877,8
	Ҳаммаси:	6 205,0

*) Молиявий харажатлар ҳажми ўқув-лаборатория комплексларининг техник спецификациясини аниқлаш, танлов савдолари ўтказиш ва етказиб берувчиларни танлаб олиш якунлари бўйича аниқлаштирилади.